

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МИЗРАБОВА ЖЕРЕН ИСМАИЛОВНА**

**ШЕКСПИР «ҲАМЛЕТ» ТРАГЕДИЯСИНИНГ ЎЗБЕКЧА**  
**ТАРЖИМАЛАРИ: ҚИЁСИЙ ЛИНГВОПОЭТИК ТАҲЛИЛ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик**  
**ва таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

УЎК:81'255.2/4=512,133:821,111

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**The contents of the dissertation abstract for a Doctor of Philosophy (PhD)  
degree in Philology**

**Мизрабова Жерен Исмаиловна**

Шекспир «Ҳамлет» трагедиясининг ўзбекча таржималари: қиёсий  
лингвопоэтик таҳлил.....3

**Мизрабова Жерен Исмаиловна**

Узбекские переводы трагедии Шекспира «Гамлет»: сопоставительный  
лингвопоэтический анализ.....23

**Mizrabova Jeren Ismailovna**

Uzbek Translations of Shakespeare's Tragedy «Hamlet»: Comparative  
Linguopoetic Analysis.....45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of publications.....50

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МИЗРАБОВА ЖЕРЕН ИСМАИЛОВНА**

**ШЕКСПИР «ҲАМЛЕТ» ТРАГЕДИЯСИНИНГ ЎЗБЕКЧА**  
**ТАРЖИМАЛАРИ: ҚИЁСИЙ ЛИНГВОПОЭТИК ТАҲЛИЛ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик**  
**ва таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2017.3.PhD/Fil.324 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Бухоро давлат университети веб саҳифасида ([www.buxdu.uz](http://www.buxdu.uz)) ҳамда «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ахмедова Шоира Неъматовна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Насруллаева Нафиса Зафаровна**  
филология фанлари доктори, доцент

**Халлиева Гулноз Искандаровна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Жиззах давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/03.2019.Fil.72.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «17» декабрь соат 10 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-29-14; факс: (0 365) 221-57-27; e-mail: [buxdu\\_rektor@buxdu.uz](mailto:buxdu_rektor@buxdu.uz))

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (22 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-25-87.)

Диссертация автореферати 2020 йил «03» декабрь кuni тарқатилди.  
(2020 йил «03» декабрь даги №986 - рақамли реестр баённомаси.)



**Д.С.Ўраева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол. ф. д., профессор

**З.И.Расулов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол. ф. н., доцент

**М.М.Жўраева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д. (DSc)

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабий алоқаларининг глобаллашуви, ижтимоий-сиёсий аренада турли халқ ва миллатлар маданиятининг ўзаро интеграллашуви жараёнида қиёсий адабиётшунослик, замонавий тилшунослик, таржимашунослик соҳаларини ҳукмрон фан парадигмасига ҳамоҳанг бўлган назарий билим ва ёндашувлар билан бойитиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мумтоз шеърӣ ва насрий бадий ижод намуналари, хусусан, дунё тилларида янграган шоҳасарлар – Шекспир асарлари лингвопоэтик жиҳатларининг икки давр, икки миллат, икки тил платформасида антропоцентризм тамойиллари негизида талқин қилиниши глобал таржимашуносликнинг устувор йўналишларини белгилашда, хусусан, функционал транслатология соҳасидаги амалий стратегияларни илмий-назарий баҳолашда долзарблик касб этади. «Ҳамлет» трагедиясининг ўзбек тилига таржималарида лингвопоэтика қонунияти воқеланишининг таҳлили таржима илмида тизимли, яхлит концепция яратиш имконини беради.

Дунё адабиётшунослиги ва таржимашунослигида «Ҳамлет» трагедиясининг умумфилологик: лингвистик, бадий-услубий, лексик-семантик, лингвопоэтик, функционал хусусиятлари масалаларига доир кенг қамровли илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Мазкур тадқиқотлар асар тили семантикаси ва лингвопоэтикаси, контекстуал таржима, тизимли таржимада эквивалентлик, адекватлик тамойиллари, айниқса, шеърӣ таржимада аслият ва таржима тилларидаги муштарак ва фарқли жиҳатларни ёритганлиги билан аҳамиятлидир. Бироқ Шекспир тили, поэтикаси, муаллифлик услубининг таржимада қайта воқелантирилишини когнитология, лисоний маданият назарияси, фалсафий-концептуал ёндашув доирасида таҳлил қилиш компаративистик адабиётшунослик, прагматранслатология соҳаларининг илмий ва амалий такомиллашувига хизмат қилади.

Истиқлол йилларига келиб, илгари воситали тил оркали таржима қилинган асарларни эндиликда аслиятдан ўгириш кенг тус олмоқда. Шу жиҳатдан «...жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ва ўзбек адабиётининг энг яхши асарларини чет тилларига таржима қилиш ишларининг танқидий таҳлили»<sup>1</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилди. Ушбу масалаларнинг устувор стратегик йўналиш сифатида белгилаб қўйилиши адабиётшунослик ва таржимашунослик соҳаларида ҳам илмий изланишлар кўлами ҳамда кўрсаткичини янада кўтаришга кенг имкониятлар яратди. Хусусан, «Ҳамлет» трагедияси бевосита ва билвосита таржималарида муаллиф маҳорати, бадийлик концепцияси, уларнинг лингвопоэтик хусусиятларини атрофлича илмий асосда текшириш тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги фармойиши.//Халқ сўзи, 2017 йил 13 январь. -№9 (6703).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича «Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5847-сонли Фармонлари, 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1875-сонли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги «Жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ҳамда ўзбек адабиёти дурдоналарини чет тилларига таржима қилиш ва нашр этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 376-сонли Қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация Республика фан ва технологиялари ривожланишининг: I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбек ва хориж адабиётшунослигида У.Шекспирнинг «Ҳамлет» трагедияси тадқиқига бағишланган салмоқли ишлар амалга оширилган бўлса-да, уларда ўзбек бевосита таржимасининг қиёсий лингвопоэтик аспекти етарлича ўрганилмаган. Жумладан, хориж адабиётшунослигида шекспиршунослик алоҳида соҳа сифатида ривожланиб, кенг кўламли тадқиқотлар яратилган<sup>2</sup>, рус адабиётшунослигида ҳам бу соҳада кўзга кўринарли ишлар амалга оширилган<sup>3</sup> бўлиб, уларда «Ҳамлет» асари талқинлари, таржима муаммолари ва тарихи масалаларига эътибор қаратилган. Шекспир асарлари ўзбекча таржималари муаммолари ва тарихи бир қатор олимларнинг илмий изланишларида кенг ёритилган<sup>4</sup>. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур

<sup>2</sup>Text matters, Volume 7, Number 7, 2017 DOI: 10. 1515/Textmat-2017-0012 Andrezej Wicher University of Lodz. Wawel Meets Elsinore. The national and universal aspects of Stanilaw Wypianski's vision of Shakespeare's Hamlet; Gibson, Rex. Teaching Shakespeare Cambridge University Press, 1998. Mcevoy, Sean. Shakespeare: The Basics. New York: Routledge, 2000; Hamlet. Ed. Maria Prussak. Wroglaw: Zaklad Narodowy IM. Ossolinskich, 2007. Print.; Blok, Alexander. "I'm Hamlet." Trans. Alec S. Vagapov. Samlib.ru. 2007. Web. 14 Jan. 2016; Shakespeare, William. As You Like It. Ed. Albert Gilman. Signet classic edition. General ed. Sylvan Barnet. New York: Penguin books, 1987; W.Ronn Hess, Shakespeare's dates: Their Effects on stylistic analysis, in 2 Oxfordian 25 (1999); Brain Vickers, 'Counterfeiting' Shakespeare: Evidence, authorship, and John Ford's Funerall Elegye (2002).

<sup>3</sup>Аникст А.А. Трагедия Шекспира "Гамлет". - М., Просв., 1986, - 224с.; Белинский, В.Г. "Гамлет", драма Шекспира. Мочалов в роли Гамлета / В.Г. Белинский. - Москва: Высшая школа, 2015. - 299 с.; Брандес, Георг Гений Шекспира. Король трагедии / Георг Брандес. - М.: Эксмо, Яуза, 2014. - 704 с.; Пастернак, Борис "Гамлет" Бориса Пастернака. Версии и варианты перевода шекспировской трагедии / Борис Пастернак. - М.: Летний сад, 2003. - 256 с.; Шекспир, Уильям Великие трагедии в русских переводах. Гамлет / Уильям Шекспир. - М.: Прозаик, 2014. - 592 с.

<sup>4</sup>Наим Каримов. Мақсуд Шайхзода. Маърифий-биографик роман. - Т.: Шарқ, 2009. - Б.326.; Гулямова Д. Драматургия Шекспира на ўзбекском языке: – Дисс. на соиск. канд. филол.наук. –

тадқиқотларда «Ҳамлет» трагедияси ўзбек таржималарига бағишланган қатор тадқиқотлар яратилган бўлса-да, мазкур трагедия алоҳида тадқиқот объекти сифатида танланиб, аслият, ўзбек бевосита ва билвосита, шунингдек, иккита рус таржималарини қиёсий лингвопоэтик тадқиқи махсус ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган «Тилнинг лексик-семантик тизими, қиёсий типологик изланишлар ва таржимашунослик муаммолари» мавзусига алоқадор «Инглиз адабиёти тараққиётида адабий алоқалар ва ўзаро таъсир муаммолари» номли йўналиш доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** «Ҳамлет» трагедиясининг ўзбек тилига бевосита ва билвосита таржималарини қиёслаш орқали ўғирмаларнинг лингвопоэтик хусусиятларини аниқлаш, бевосита қилинган ўғирмада мутаржим маҳоратини ўрганишдан иборатдир.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ўзбек таржимашунослигида «Ҳамлет» асари таржималари тарихини ўрганиш;

алоҳида «Ҳамлет» асари ўзига хосликларининг тўртта (М.Лозинский, Б.Пастернак, Ж.Камол ва М.Шайхзода) таржималарини қиёсий лингвопоэтик таҳлил орқали очиб бериш;

«Ҳамлет» трагедияси турли таржималарини антропоцентрик йўналишда қиёсий тадқиқ этишда улардаги муштаракликлар ва тафовутлар, ўзаро таъсир, айниқса, шеърӣ таржиманинги ўзига хос хусусиятларини асослаш;

Ҳамлет характери, руҳий-маънавий дунёси қамрови, аслиятдаги ғоя, руҳ ва бадииятнинг ўзига хос талқинлари ва хусусиятларининг таржималарда акс эттириш масалаларини ёритиш;

«Ҳамлет» фожиасининг ўзбек ва рус тилларидаги таржима матнларини қиёсий ўрганиш орқали аслиятдан қилинган таржимада шекспирона руҳга хос юмор, афористик ва фалсафӣ мулоҳазаларининг қайта яратилишида мутаржим маҳоратини далиллаш;

---

Ташкент, 1971. – 185 с.; Азнаурова Э.С. Икки тил оша (Шекспир асарларининг биздаги таржималари). – В сб.: Таржима санъати. Тошкент, 1973.; Саломов Ғ.Т. Адабий анъана ва бадиий таржима. - Тошкент : Фан, 1980. – 158 б.; Гулямова Д. “Гамлет” на узбекском языке. - В сб. Мастерство перевода, Сборник 10-й. М., Издательство “Советский писатель”. 1975, - С. 504. 321-331 стр.; Суаймонова Ф. Шекспир Ўзбекистонда. – Тошкент: Фан, 1978. – 151 б.; Кароматова К. Лейтмотивы трагедии Уильяма Шекспира «Макбет» в узбекских переводах: : Дисс. ... канд. филол. наук. - Тошкент, 1989. – 171 с.; Тожиев К. Творчество Максуда Шейхзаде – переводчика: Дисс. ... канд. филол. наук. - Ташкент, 1984. – 193 с.; Бақоева М. Англия ва АҚШ адабиётидан ўзбек тилига шеърӣ таржима ва қиёсий шеършунослик муаммолари: Филол. фанлари д-ри ... дисс. – Тошкент, 2004. – 314 б.; Ходжибаева Г. Лейтмотвы времени и маски в комедиях Шекспира (вопросы истории и теории перевода) : Дисс. ... канд. филол. наук. - Ташкент, 2004. – 162 б.; Одилова Г. К. Инглиз ва ўзбек мумтоз шеърӣ таржималарида адекватлик муаммолари. Филол. фанлари номз... – дисс. - Т. 2011. – 316 б;

«Ҳамлет» асарига хос синтаксис, паремиологик бирликлар, турли образли услубий воситалар, Шекспир ижоди тагматнида яширинган «олам – сахна» метафорасининг таржималарда ифодаланиши масалаларини белгилаб кўрсатиб бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида «Ҳамлет» фожиасининг Жамол Камол томонидан амалга оширилган бевосита ва Мақсуд Шайхзоданинг билвосита ўзбек таржималари ҳамда М.Лозинский ва Б.Пастернакнинг рус тилидаги ўғирмалари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни «Ҳамлет» асарининг бевосита таржимасида мутаржим маҳорати, аслият, асосан, ўзбекча воситали ва бевосита ўғирмаларнинг ўзига хос хусусиятлари ва улардаги тафовут ва муштаракликлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда чоғиштирма, тавсифлаш, қиёсий-типологик, статистик таҳлил, контекстуал ва компонент таҳлил, фалсафий-маданий, интерпретацион ва уч поғонали лингвопоэтик таҳлил методларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ўзбек таржимашунослигида илк бор «Ҳамлет» асарининг тўртта таржимасида аслиятнинг лингвопоэтик хусусиятлари қайта воқеланишининг даражалари ва асарни ўзбек тилига бевосита таржима қилишда рух, ғоя, оҳанг, образлар психологияси адекватлигини таъминлашдаги мутаржим маҳорати аниқланган.

«Ҳамлет» трагедияси таржималаридаги инсон табиати, дунёқараши, онги, руҳий кечинмалари негизида юзага келган антропоцентрик тамойиллар трагедиянинг бадиий тасвир кўлами, ифода усули, бош қаҳрамон характери, эстетик идеали, руҳий-маънавий дунёсини қайта яратишнинг устувор усуллари эканлиги асосланган;

ўзбек ва рус таржималарида аслият муаллифи қўллаган индивидуал фразеологик ва паремиологик бирликлар, образли ва бадиий воситалар ҳамда фожа тагматнида яширинган «олам – сахна» метафораси персонажлар нутқи, феъл-атвори, хулқи ва ҳаракатларида сохталик, иккиюзламачилик, айёрлик каби иллатларнинг ифодаси эканлиги далилланган;

ўзбек воситали ўғирмасида бой берилган шекспирона рух ва ҳажв уйғунлигидаги сарказм, сатира, пародия, заҳарли киноя, комик эмоционаллик каби инсонга хос субъектив хусусиятлар Ж.Камол таржимасида эквивалент-функционал қиймат касб этганлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

«Ҳамлет» трагедиясининг ўзбекча таржималари уч босқичли трансформацион ҳодиса: 1) билвосита насрий 2) билвосита шеърӣ 3) бевосита ўғирмагача бўлган жараён эканлиги аниқланган;

ўзбек мутаржими Ж.Камол ўзининг бевосита ўғирмасида Шекспир фожиасининг ғоявий-бадиий хусусиятлари, образлар олами, драматургнинг поэтик сўз санъатининг ўзига хос янги имкониятларини очиб беришда алоҳида мавқега эгаллиги асосланди;

«Ҳамлет» драмаси фожиавий асар бўлишига қарамасдан, ундаги бош образ нутқи Шекспир ижодига хос бўлган юморга йўғрилган. Ўзбек воситали ва бевосита таржималарининг қиёсланиши натижасида шекспирона руҳ ва ҳажв уйғунлигининг Ж.Камол таржимасида қайта яратилиши жиҳатлари далилланган;

фожа тағматнида яширинган «олам – саҳна» метафорасининг «Ҳамлет» трагедияси таржималарида ифодаланиши масалалари ўрганилган;

У.Шекспир ижоди турғун бирликларининг «Инглизча-ўзбекча изоҳли луғати» яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммонинг аниқ қўйилганлиги, олимларнинг назарий фикрларига таянилганлиги, тадқиқотда замонавий таржимашунослик ютуқларидан келиб чиққан ҳолда чиқарилган хулосаларнинг статистик, контекстуал ва компонент таҳлил, тавсифлаш, таснифлаш, қиёслаш, лингвопоэтик таҳлил усуллари орқали далилланганлиги билан белгиланади. Назарий фикр ва натижаларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган хулосаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Мазкур диссертация натижаларидан таржима муаммоларини, мутаржим маҳоратини, бадиий таржиманинг энг муҳим жиҳатини ташкил этадиган қиёсий лингвопоэтик таҳлил масаласини ёритишга бағишланган илмий ишларда фойдаланиш мумкин.

Ишнинг илмий-назарий хулосалари ва умумлашмаларидан олий ўқув юртларида қиёсий адабиётшунослик, таржима назарияси, дарс машғулотлари ўтказишда, ўқув қўлланмалари, дарслик ва мажмуалар яратишда, таржимашуносликка бағишланган махсус курс ва семинарлар ўтишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** «Ҳамлет» асарининг қиёсланган тўртта (Ж.Камол, М.Шайхзода, М.Лозинский ва Б.Пастернак) таржималарида лингвопоэтик хусусиятлари ва вазифаларини аниқлаш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

«Ҳамлет» драмасининг ўзбек адабиётшунослигидаги тарихи, Ҳамлет характери, рухий-маънавий дунёси қамрови, ўзига хос хусусиятларининг таржималарда акс этирилиши масалаларини аниқлаш, асарнинг миллий театр ва драма тараққиётининг таъсири ҳақидаги хулосалардан ФА-Ф1-ГООЗ рақамли «Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўзясалиши» мавзусидаги фундаментал лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2019 йил 27 августдаги 180-1-сон маълумотномаси). Натижада миллий маданиятлар таъсирининг сўз ясашидаги ўзига хос функционал ясашиши борасида берилган таклифлар лойиҳа ишини бажаришга хизмат қилган;

Шекспир пьесалари турғун бирликларининг таржималари, глоссаларининг изоҳларини тўлдиришнинг имкониятлари ҳақидаги маълумотлар «Шекспир пьесалари турғун бирликларининг инглизча-ўзбекча

луғати (глоссарий)»ни (ISBN 978-9943-5675-6-6) ишлаб чиқишда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 ноябраги 89-03-4231-сон маълумотномаси). Натижада мазкур луғат «5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш», «5111400 – Хорижий тил ва адабиёт», «5120200 – Таржима назарияси ва амалиёти» бакалавриат таълим йўналишлари талабалари таълими учун асос бўлиб хизмат қилган;

қиёсланаётган таржималарда «Хамлет» матнига хос синтаксис, паремиологик бирликлар, турли образли услубий воситаларнинг ифодаланишидаги фарқли ва ўхшаш жиҳатларига доир хулосалардан АҚШнинг Реформед университетида 1-курс ёзма нутқ амалиёти дарсларида (College Writing I) фойдаланилган (Реформед университетининг 2019 йил 23 декабрдаги маълумотномаси). Натижада чет эллик талабалар учун «Хамлет» асари ўзбек бевосита ва воситали таржималари муаммоларини ўрганиш, батафсил қиёсий таҳлиллар Шекспир асарига хос янги ғоявий-бадий концепти, паремиологик бирликлар, юмор, қаҳрамонлар руҳиятини қайта яратишдаги мутаржим маҳоратини ўрганиш имконияти вужудга келган, таржимада адекватлик, эквивалентга эришмоқлик усуллари тушуниш учун манба бўлган;

ўзбек адабиётшунослигида «Хамлет» трагедиясининг воситали ва бевосита таржима шаклларидаги мавжудлиги ва ҳар бирининг ўзига хос бадий хусусиятларини ёритиш муаммоларини кўрсатиб берувчи материаллардан «Бухоро» телерадиоканалининг «Ассалом Бухоро», «Саккизинчи мўъжиза» эшиттиришларида фойдаланилган (Бухоро вилояти телерадиокомпаниясининг 2019 йил 25 сентябрдаги 1-341-сон маълумотномаси). Натижада томошабинлар тафаккурида ўзбек таржималарида аслият муаллифининг индивидуал образли ва бадий воситалари, фожа тағамнида яширинган «олам – сахна» метафораси ҳақидаги тасаввурларнинг пайдо бўлиши кузатилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-назарий анжуманларида апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш чоп этирилган, жумладан, 1 та луғат, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та, республика ҳамда Халқаро базалар рўйхатига кирган хорижий журналларда 2 та мақола нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 150 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижалар асосида тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўзбек адабиётшунослигида «Хамлет» асари таржималари ва унинг ўрганилиши**» деб номланувчи биринчи бобида ўзбек адабиётшунослигида «Хамлет» фожиасининг таржималари тарихи ўрганилган.

Аслият матни, ўзбек ва рус тилига амалга оширилган таржимлардаги умумийлик ва хусусийликлар қиёсан таҳлил қилинган. «Хамлет» таржималари тарихини ўрганишга бағишланган биринчи фаслда трагедия ўзбек таржималарининг тарихи уч босқичли трансформацион ходиса сифатида ўрганилган.

Ўзбек адабиётшунослигида жаҳон адабиётидан ўзбек тилига қилинган ўғирмалар борасида Шекспир ижодидан қилинган таржималар етакчи ўринни эгаллади. Хусусан, ватанимизда инглиззабон халқлар адабиётига қизиқиш XX асрнинг 30-йилларида жонланди. Яъни, 1) 30-чи йиллар - Шекспир ижодини ўзлаштиришнинг илк даври бўлиб, воситали насрий таржималар даври; 2) 40-80 йиллар - воситали шеърый таржималар даври; 3) 90-2000 йиллар бевосита таржималар давридир. XX асрда Шекспир меросини ўзбекчалаштиришда мутаржимларнинг эркин ўғирмалари туфайли адабиётшунослигимизда даҳо драматург таржималарининг ўзига хос резонанси вужудга келди. Хусусан, ватанимизда инглиззабон халқлар адабиётига қизиқиш XX асрнинг 30 - йилларида жонланди. Ўзбек адабиётида илк бор Шекспир номи 1886 йил ўзбек матбуотида кўрсатилиб ўтилади<sup>5</sup>. Илк бор драматургнинг «Хамлет» асари 1934 йилда махсус Хамза театри учун адабиётимизнинг йирик вакили Чўлпон томонидан рус таржимони П.Каншиннинг насрий таржимаси асосида ўзбек тилига насрда ўгирилди<sup>6</sup>. Асарнинг насрда ўгирилганлигининг яна бир сабаби ўзбек таржимашунослиги ҳали инглиз тилидан таржима қилиш соҳасида тажрибага эга эмаслиги билан белгиланади. «Шарқ фалсафаси анъаналарида тарбияланган ўзбек ижодкорлари ўз таржималарида Шекспир пьесаларининг

<sup>5</sup>.Изоҳ: Ўзбек олими Ғайбулло Саломовнинг маълумот беришича: “Туркистон вилоятининг газети” 1886 йил 28 февраль сониди мана бу сўзларни ўқи ймиз: “Султон Абдуазизи марҳумнинг даврида Оврупо иқлимидаги энг баланд мусаннифларининг кўп китоблари туркий тилларга таржима қилинди. Масалан Шатобриан, Гюго, Мольер... Шекспир ва яна улардан бошқа бир неча китоблар туркий тилга таржима қилинди”. Қаранг: Саломов Ғ. Адабий анъана ва бадиий таржима. Тошкент, 1980. –Б. 68.

<sup>6</sup>Чўлпон. Асарлар: Уч жилдлик / О.Шарафиддинов таҳрири остида. I.Ж. Шеърлар. Драмалар.Таржима. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. – 448 б.

фақатгина сюжети ва мазмунини ифодалаш билан чегараланмадилар; ҳаттоки насрий ўғирмаларида ҳам аслиятнинг поэтик моҳиятига яқинлаша олдилар, бунда ўзбек насрининг стилистик ва лексик хусусиятларининг назмга яқинлиги мутаржимлар ишида анча қўл келган»<sup>7</sup>. Шунингдек, ўзбек таржимашунослигидаги билвосита ўғирма тарихи асосан рус тили билан боғлиқ ҳодисаки, ҳозиргача жуда катта тажриба тўплангани ва юксак санъат даражасидаги бадиий таржималар яратилганлигини инкор этиб бўлмайди.

Бу каби анъаналар М.Шайхзода ижодида ҳам ўз аксини топганлиги Чўлпоннинг насрий таржимасидан кейинги рус тили таржимаси асосида бажарилган воситали шеърини ўғирмада яққол намоён бўлган.

Шекспир ижодидан билвосита, яъни рус тили орқали таржима қилиш анча муваффақиятли кечди. Аммо рус тилидаги таржималар қанча юксак бўлмасин, ҳатто тағлама таржима орқали ҳам, муаллиф ифодалашга уринган руҳий манзара, унинг овози, услуби, тили, аслиятнинг маъно товланишлари, образли дунёси, миллий колорити, руҳиятини ўқувчи тасаввурида тўлақонли гавдалантиришда жиддий мураккабликларни енгиб ўтишга тўғри келади.

Мустақиллигимиз шарофати билан эса бевосита ўзбекчага таржима қилиш бўйича самарали уринишлар доираси кенгаймоқда. Жамол Камол томонидан амалга оширилган бевосита таржималар (1991 йилда «Отелло» номли китобда бирлаштирилиб, нашр эттирилди<sup>8</sup>) фикримизнинг исботидир.

Бобнинг «Ҳамлет» фожиаси таржималарининг қиёсий таҳлиliga бағишланган иккинчи фаслда аслият матни, рус (М.Лозинский, Б.Пастернак) ва ўзбек (Ж.Камол, М.Шайхзода) тилидаги ўғирмалар билан қиёсан ўрганилган ҳамда янги назарий фикрлар билан бойитилганлиги ишда жадвалларда кўрсатилган. Таржималарда асар муаллифи қўллаган образлар, метафорик тасвирлар, қиёслар, натуралистик образларнинг қайта яратилганлиги даражалари қиёсий таҳлил, тавсифлаш, статистик, лингвопоэтик таҳлил усуллари мезонлари ёрдамида асосланган. Мутаржимлар аслият матнининг эстетик вазифасини қайта яратишда прагматик, семантик ва стилистик адекватликка эришмоқлик мақсадида ўз ўғирмаларида қўллаган грамматик ва лексик трансформациялари (қўшиш, тушириб қолдириш, компенсация, генерализация) кўрсатиб берилган.

Аслият матнидаги «that is not twentieth part the tithе Of your precedent lord» каби гапи қиёсланадиган таржималарда қуйидагича ифодаланади: «Падаримнинг тирноғига арзимайдиган» ва «Марҳумнинг битта ҳаром тукича эмас» каби таржималари билан алмаштирилган. Кўриниб турибдики, Ж.Камол таржимасида ижодий ёндашган ҳолда келтирган эквивалент анча бўёқдор ва муваффақиятли чиққан. Таржимон муаллиф мақсади ва ҳаяжонини ўзбек китобхонига етказа олган. Аслият матнидан келтирилган худди шу турғун бирлик ўғирмасида М.Шайхзода анча кескин лексикадан фойдаланган. Бу каби тасвирлар Шекспир яратган гўзал образ, худоларга тенглаштирилган (Зевс, Аполлон, Марс, Меркурий) Ҳамлетнинг отасига муносиб эмасдир.

<sup>7</sup>Гулямова Д. “Гамлет” на узбекском языке. Мастерство перевода. Сборник десятый. М., Издательство “Советский писатель”. 1975, С. 504. 321-331 стр. – 185 с.

<sup>8</sup>Жамол Камол. Отелло. – Тошкент., 1991. – Б. 9,20.

Ҳамлетнинг қизгин нутки келтирилган қуйидаги жадвалдан кўриниб турибдики, М.Шайхзода Б.Пастернак таржимаси воситасида ағдарганлиги туфайли рус вариантыда тушириб қолдирилган қаторлар ўзбек ўғирмасида ҳам қатнашмаган.

Аслият матни	Ж.Камол таржимаси	Б.Пастернак таржимаси	М.Шайхзода таржимаси
Let the bloat king tempt you again tobed	Боринг, ирганч қирол яна тўшакка тортсин +	Ложитесь ночью с королем в постель +	Сиз қиролнинг бағрига ётоққа кириг +
Make you to ravel all this matter out, That I essentially am not in madness, But mad in craft. 'Twere good you let him know	Меҳри карамингиз тошиб сиз айтингизки, Мен ақлдан озганмасман, ўзимни-ўзим Жинниликка солгандирман. Шундоқ деб айтинг. +	В приливе откровенности сознайтесь, Что Гамлет вовсе не сошел с ума, А притворяется с какой-то целью+	Ҳамлет девона эмас, ҳаммаси найранг, Аллақандай шум ният пайида юрар...  ----
For who, that's but a queen, fair, sober, wise, Would from a paddock, from a bat, a gib, Such dear concernings hide? who would do so?	Маликам моҳитабон бўлиб бевафо, Шундоқ маҳлук, шундоқ мушук, шундоқ бақадан Сир сақлаши жоизмикин?! Жоизмас асло. +	-----	----
No, in despite of sense and secrecy, Unpeg the basket on the house's top. Let the birds fly, and, like the famous ape, To try conclusions, in the basket creep, And break your own neck down.	Сиз жўртага, <b>масалдаги</b> маймунга ўхшаб, Қуш қафасин олиб, уйнинг томига чиқинг. Ўша ердан қушчаларни бир-бир учиринг, Кейин ўзни пастга отинг, не бўларкан, деб. Ҳа, баланддан учган қушга тақлид этароқ, Учаман, деб бўйингизни синдириг шундоқ. +	-----	----

Натижада, М.Шайхзоданинг таржима матни ҳажми жиҳатидан аслият матнидан анча қисқарганлигини кузатишимиз мумкин. М.Шайхзода ўз таржимасини русчадаги Б.Пастернак вариантыга яқинлаштиришга уринган. Ж.Камол эса ўз таржимасини бевосита аслиятдан амалга оширган. Шу боис, унинг таржимасида аслият мазмуни аниқроқ ифодаланган ва таржимага янги қанот бағишлаган. Масалан, жадвалдаги Шекспирнинг аллегориясида ҳам, рус таржима вариантыда ҳам «**масал**» каби сўз қатнашмаган бўлса-да, бевосита ўзбек таржимасида мазкур лексик бирликнинг қўлланилганлигини кузатишимиз мумкин. Бу ҳолат Ж.Камолнинг нафақат аслий матн, балки «Ҳамлет» асарига тегишли изоҳ-тасвирлар билан ҳам яқиндан таниш эканлигини кўрсатади.

Аслиятдан келтирилган кейинги «Could you on this fair mountain leave to feed, And batten on this moor?» мисолдаги «batten» - боқилиб семиртирмак, бўрдоқи маъносида ишлатилган. Аслиятдаги худди шу сатрни Ж.Камол «шу сассиқ алафга Қандай қилиб тушолдингиз?» каби кўринишда ўғирган. Мутаржимлар ўз ўғирмаларида бу сўзнинг жиреть-семирмак, бўрдоқи каби

маъносини тушириб қолдирганлар. Зеро, «batten»- сўзининг бу каби маъноси муаллифнинг когнитив концепциясини янада аниқлаштиради, чунки ўз асарида қўллаган бундай метафорик тасвирлари орқали Шекспир қатъиятсиз Гертрудага ахлоқий жиҳатдан баҳо беради. Рус таржимонлари қўллаган «корма» ёки Ж.Камол ўгирмасидаги «алаф» каби сўзлари эса оддийгина - ем-хашак, ўт каби бўёқсиз, нейтрал маъноларини билдиради. Аслида, бўрдоқи моллар эса атайин қурбонлик ёки бошқа бир мақсадларда семиртирилиб боқилади. Аслият матнида ҳам Гертруда маккор Клавдийнинг ҳийлаларига учиб, жуфти ҳалолининг юксак яйловларини ташлаб (Хамлетнинг айтишича, ахир унинг биринчи эри «Юзларига шамолни ҳам кўрмасди раво»<sup>9)</sup> иккинчи эрининг қабих ниятларини пайқамасдан унинг «тооғ» - ботқоғида ҳайвонга хос, унинг ифлос эркалашлари ва ёлғон ваъдаларида «batten» - семирмоқда. Шу тарздаги таҳлиллар мазкур фаслнинг асосини ташкил этган.

	ўзбек таржималарида қўлланилган таржима усулларининг мутаносиблиги	Ж.Камол	М.Шайхзода
1	механик истисно	1	85
2	қўшилмалар	4	3
3	метонимия	2	2
4	компенсация	4	2
5	синонимик таржима	1	1
6	тасвирий таржима	2	1
7	антонимик таржима	2	--
8	калька	4	5
9	контекстуал антоним	3	5
10	ижодий истисно	1	--
11	конкретизация	2	2
12	контекстуал конкретизация	1	1
13	геренерализация	1	1
14	адапцион-антонимик таржима	1	--
15	модуляция	1	1
16	харакатли метафора	1	--
17	сабаб ва оқибат кўринишидаги таржима	--	1
18	лексик мувофиқлик	1	1

Ишимизда ўрганилган ўзбек бевосита ва воситали ўгирмаларида қўлланилган таржима усулларини умумий сарҳисоб қилганда юқоридаги жадвалда кўрсатилганидек, техник усуллардан бири – «механик истисно» («механик истисно» усули - аслият бирлигининг таржимада умуман қайта тикланмаслиги) каби воситаси эътиборимизни тортмоқда: Ж.Камол таржимасида 1 та, М.Шайхзода таржимасида 85 та. Таржимадаги бу каби ҳодиса аслият тили, мазмуни ва шаклига ўз таъсирини кўрсатмай қолмаган.

Иккинчи боб «Хамлет» даги образлар ва уларнинг таржималарда қайта яратилиши» деб номланиб, қиёсланаётган ўгирмаларда (Ж.Камол, М.Шайхзода, Б.Пастернак, М.Лозинский) образларнинг ўзига хос хусусиятлари, аслият руҳияти ва ғоянинг таржималарда қайта яратилиши муаммоларига бағишланган, таржима намуналари жадвалда келтирилган ватаҳдил қилинган.

<sup>9</sup>Жамол Камол. Отелло. – Тошкент., 1991. – Б. 26.

«Ҳамлет»даги образлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятларининг таржималарда акс эттирилишига бағишланган биринчи фаслида асардаги характерларнинг (Гертруда, Ҳамлет, Арвоҳ, Клавдий, Розенкранц ва Гилдестерн) ўзига хос хусусиятларининг рус, ўзбек воситали ва бевосита таржималарда қайта яратилишидаги хосликлари таҳлил қилинган.

Жаҳон адабиётининг шоҳ асари матни табиийки, юксак – поэтик қиёслар ва метафораларга бой бўлиши лозим. Аслида эса, асардаги персонажлар нутқида бу каби образли услубий воситалар деярли учрамайди, балки, уларнинг гапларида анча содда изоҳларни кузатамиз. Масалан, аслият матнидаги «*bodiless creation ecstasy*» каби тармоқли (мураккаб) услубий восита – истиоранинг ўзагини хосил қилувчи «*ecstasy*» образнинг ва шу образдан тармоқланиб кетган қўшимча тимсоллари (*My pulse, as yours, healthful music, it is not madness, which madness, madness speaks, mattering unctio*n) каби жонлантириш ва «*That not your trespass, but my madness speaks*» антитезаси) Ж.Камолнинг бевосита ўғирмасида «Арвоҳларни кўрсатишга мохир жазава!» деб ўгирилган. Бу ерда услубий воситанинг аслиятдаги шакли ва ўзаги (жазава) асраб қолинган, ва ундаги тимсолнинг, «*bodiless creation*» (танасиз мавжудот) каби иборасининг метонимик таржимасини «Арвоҳларни» сўзи кўринишида келтирилган. Аслиятдаги худди шу услубий восита М.Шайхзода ўғирмасида «Безгак бўлсанг арвоҳлар кўп кўринади» деб шаклан ўзгарган яъни, дарак гап шаклига, образ ўзаги эса «безгак» деб алмаштирилган. Аммо, безгак касаллиги асабнинг бузилиши эмас, балки биологик сабаблар туфайли юзага келади ва образ аҳволини мутаносиб тасвирлай олмайди. Агарда мутаржим аслият матни билан таниш бўлганида, албатта, бундай талқинга йўл қўймаган бўлар эди. М.Шайхзода таржимасининг Б.Пастернак таржимасига яқинлиги, Ж.Камол эса аслиятдан ағдарганлиги сабабли таржимага янги жило бағишлаганлиги кузатилади. Ёки кейинги мисолда:

Аслият матни	М.Лозинский таржимаси	Б.Пастернак таржимаси	Ж.Камол таржимаси	М.Шайхзода таржимаси
Let the bloat king tempt you again to bed	Пусть вас король к себе в постель заманит	Ложитесь ночью с королем в постель	Боринг, ирганч қирол яна тўшакка тортсин	Сиз қиролнинг бағрига ётоққа қиринг

Аслиятдан келтирилган «*Let the bloat king tempt you again to bed*» гапи қиёсланаётган таржималарда қуйидагича ифодаланиши кузатилади: Барча таржималарда «*bloat*» (яъни, шишган, чўкиб ўлиб шишиб кетган мурда каби маъноларга эга) сўзи «механик истисно»га учраган бўлса-да, ўзбек бевосита таржимасида «ижодий истисно» усулида алмаштирилган, яъни «*bloat*» сўзи Ж.Камол таржимасида «Боринг, ирганч қирол яна тўшакка тортсин»<sup>10</sup> - «ирганч» деб ўгирилган. Натижада, Клавдий ўзбек китобхони кўз олдида жиркантирадиган, нафратни кўзғайдиган, қилиқлари жуда ёқимсиз одам сифатида гавдаланади. Қолган таржимонлар аслиятдаги эпитетни оддийгина «король» ёки «қирол» деб ўгирганлар ва натижада, Шекспир қўллаган «*the*

<sup>10</sup>Жамол Камол. Отелло. – Тошкент., 1991.- Б. 120.

bloat king» эпитети маъноси нейтраллашган ҳамда аслиятдаги танглик сусайган. Ж.Камол аслиятдаги бор ҳақиқатни, барча хунук воқеаларни дадиллик билан очиқ - ойдин ифодалашага уринган ва шу тариқа поэтик контекстга фожиавий экспозиция колоритини бера олган. Рус вариантга асосланиб таржима қилган М.Шайхзода эса восита изидан борганлиги сезилиб турибди.

Аслиятдан хабардор бўлган Ж.Камол фожидадаги мураккаб қурилмаларни ўзидек қайта яратиб, воқеанинг бадиий тасвирини маҳорат билан ифодалай олган. Яъни, ўзбек бевосита таржимасида Ҳамлет образининг турли янги қирраларини очиб беришда таржимоннинг мустақил ижод қилиш имконияти анча кенгайганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Юқорида келтирилган мисолни ўзбек таржимони аслиятнинг ҳар бир тимсолини ва лексик бирликларини асраб, қилган ҳолда ўгирган. Лексикасининг соддалигига қарамасдан, Ж.Камол таржимасининг бадиий аниқликда моҳирона қўллаган лаконизмини тан олмай иложимиз йўқ, ўгирма нафақат мазмунан балки, лирик пафоси жиҳатидан ҳам аслиятга мутаносиб.

Бобнинг «Ҳамлет» трагедияси таржималарида аслият руҳияти ва ғоянинг акс эттирилиши масаласига бағишланган иккинчи фаслида аслият руҳияти ва ғоянинг қиёсланаётган таржима намуналарида қайта яратилишининг қиёсий таҳлиллари амалга оширилди.

Маълумки, мутаржим иккинчи тилни мукамал билиши билан бир қаторда таржимада асарнинг руҳини бой бермаслик учун ўзга маданият тўғрисида чуқур билимларга эга бўлиши ва муаллифнинг теран ғояларини тушуниб маҳорат ила акс эттириши даркор. Аслиятда Клавдийдан Полоний жасадини топиш буйруғини олган Гилдестерн Ҳамлетдан жасад қаерда деб сўраганида шаҳзода «The body is with the king, but the king is not with the body. The king is a thing<sup>11</sup>» деб жавоб беради. Яъни, «Жасад қиролда, аммо қирол жасадда эмас. Қирол шундай нарсаки...<sup>12</sup>». Бу ерда Шекспир жуда мураккаб сўз ўйинини қўллаган ва бу ифодаларни турлича талқин этиш мумкин. Инглиз тилидаги «thing» каби лексик бирлиги абстракт сўз бўлиб, жуда кўп маъноларга эга ва уни Б.Пастернак таржимасидагидек «thing» сўзининг ўрнига «роль» маъносини ҳам қўллаш эҳтимоли йўқ эмас. «Да и какую роль играет тут король?<sup>13</sup>» яъни, рус таржимасида бу ифоданинг коннотатив маъносидан (қиролнинг бу ерда нима алоқаси бор?, қирол ким бўлибдики, мен унга ҳисобот берсам яъни жасаднинг қаердалигини айтсам) каби мазмун келиб чиқади. Рус мутаржимининг бу каби амалиёти М.Шайхзоданинг воситали таржимасида ҳам ўз аксини топган. «Хўш, энди, қиролнинг бу ишга нима дахли бор?<sup>14</sup>» (М.Ш.) Мазкур сатр таржимасида Б.Пастернак (тут) ва унинг изидан М.Шайхзода ҳам (бу ишга) каби ифодаларини қўллаганларида Клавдийнинг айнан берилган вазиятга яъни, Полонийнинг мурдасига алоқасини назарда тутиб, Шекспир фикри кўламини торайтирганлар. Бу таржималарда руҳият ва ғоя муаллифникидан узоқлашгани сезилади.

<sup>11</sup><http://shakespeare.mit.edu/hamlet/full.html>

<sup>12</sup>Жамол Камол. Отелло. – Тошкент., 1991.- Б. 128.

<sup>13</sup>[http://www.theatre-library.ru/files/sh/shakespeare/shakespeare\\_20.html](http://www.theatre-library.ru/files/sh/shakespeare/shakespeare_20.html)

<sup>14</sup>Мақсуд Шайхзода. Танланган асарлар. Учинчи жилд. – Тошкент., 1983. - Б. 124.

Аслиятда эса Ҳамлет қотил амакисининг умуман инсон ёки қирол сифатида йўқ, пуч бир нарса «thing» эканлигини айтмоқда. Аслият матнида Ҳамлет ғазаб ва нафрат остида тўсатдан телбалик никобини унутиб ва уни беихтиёр ечиб «The king is a thing — Of nothing» (сўма-сўз таржимаси; қирол ҳеч нарсанинг - алланарсаси) деганида айни ҳақиқатни гапираётган эди. Ҳамлет нутқидаги бу каби «The king is a thing — Of nothing» гапи асар давомида Клавдийга қаратиб айтилган барча таърифларнинг ичида энг кульминацион нуқтасидир яъни, шаҳзода узурпаторни йўқ даражадаги ҳақир, нотавонга қиёслайди. Энди амакиси жиянини ўлдиришини ният қилганини шаҳзода аниқ билади ва бу каби атайин айтилган кўпол ўхшатишларида заҳарханда киноя, Ҳамлет отасининг қотилига нисбатан бўлган ҳаддан ортиқ нафратини кўрсатади. Юқорида келтирилган Б.Пастернак ва М.Шайхзоданинг ўғирмаларида Шекспир авжи сўнган. Ж.Камолхудди шу жойни аслиятга содиқ қолган ҳолда «The king is a thing» – ифодасини «Қирол шундай нарсаки...» деб жуда тўғри ўгиради. «нарса» сўзининг коннотатив белгиларидан келиб чиқадиган бўлсак, агарда, бирон бир кимсага бу каби таъриф қўлланилганда, унда у камситилган ҳаттоки, ҳақорат қилинган деб тушуниш мумкин. Бу ерда Ж.Камол аслият руҳи ва ғоясини теран таҳлил қилиб, уларни тенг сақлай олган.

У.Шекспир асар персонажлари нутқида қўллаган ўзига хос сўз ўйинлари, бадий-услубий воситалар, тармоқли (мураккаб) истиора ва ундан тармоқланиб кетган қўшимча тимсоллар, жонлантириш, антитеза, синонимик такрорлар, метафора; риторик гап ва фалсафий умумлашмаларнинг рус, ўзбек воситали ва бевосита таржималарида акс этирилиши жиҳатлари қиёсланиб ўрганилди.

Учинчи боб «Ҳамлет»нинг лингвопоэтик хусусиятлари ва уларни таржимада қайта яратиш муаммолари» деб номланиб, «Ҳамлет» трагедиясида «олам-саҳна» каби яширин метафораси муаммоси, трагедиядаги синтаксис ва паремиологик бирликлари, фожиадаги турли образли услубий воситаларнинг ўзига хос хусусиятларининг қиёсланаётган таржималарда ўз аксини топиш жиҳатлари таҳлил қилинган.

Бобнинг «Ҳамлет» трагедияси тағматнида яширинган «олам-саҳна» метафораси тадқиқ этилган биринчи фаслида «олам-саҳна» метафораси муаммоси бевосита ўзбек ва рус тили таржима намуналаридан олинган мисоллар орқали ёритилган. «Ҳамлет» фожиасида қўлланилган инглиз тилининг «олам-саҳна» концептини ифодаловчи «action» (ҳаракат), «to act» (*театр*, ижро этмоқ), «an act» (акт, ҳаракат / пьеса қисми маъносида/), «to play» (ижро этмоқ /ролни/, намоиш кўрсатмоқ / труппа), «a play» (пьеса, драма, намоиш, спектакль), «to perform» (намоиш этмоқ, ўйнамоқ, ижро этмоқ, /пьесани, рольни/), «a performance» (театр намоиши, спектакль), «to show» (кўрсатмоқ, намоиш ), «a show» (шоу, томоша, намоиш), «a prologue» (пролог), «art» (санъат, муғомбирлик), «an audience» (томошабин, аудитория), «stage» (саҳна, тахтасупа), «fool» (аҳмоқ, масхарабоз, қизиқчи), «player» (комедиант, актёр), «actor» (актёр) каби сўзларсохталикни, ёлғон, роль ижро этиш, актёрлик қилиш, ҳийла, санъат, хунар, усталик, айёрлик, маккорлик, ҳийлагарлик, муғомбирлик, макр, найранг, ҳийла-найранг каби

таърифлар қиёсланган таржималарда таҳлил қилинган. Масалан, «*In action how like on angel!*» «*Туриш-турмуши* фаришталарга нақадар яқин!»(Ж.К.) каби гапида Ҳамлет ўзининг инсон ҳақидаги мулоҳазаларини келтирган. Берилган контекстда эса «action» сўзи айнан ҳаракат, муомала, қилиқ маъносида ишлатилган. Ж.Камол «action» сўзини (туриш-турмуши) деб жуда тўғри ўгиради. Ўзбек таржимони аслиятдаги «action» сўзининг миқёсини айнан Шекспирнинг ўзидай ифодалай олган ва рус вариантларидаги сўзларнинг «в действии», «поступками» маъноси кўлами жиҳатидан ҳам анча устун келган. Бу ерда муаллиф Ҳамлет тилидан инсон шаклан ва ҳаракатлари билан фариштага ўхшаса ҳам, аслида, трагедия тағматнидаги «олам- саҳна» метафорасига мувофиқ фариштамонанд ҳаракатлари ортида сохталик, ясамалик ва унинг ҳаёт саҳнасида моҳир актёр эканлигини яна бир бор таъкидлайди.

Бобнинг иккинчи фаслида трагедиядаги синтаксис ва паремиологик бирликлар таржимасининг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилиб, унда аслият синтаксиси ва паремиологик бирликлари лингвопоэтик хусусиятларининг қиёсланаётган таржималарда акс этирилишдаги ўзига хосликлари очиб берилган.

Инглиз ва ўзбек тиллари ўртасидаги тафовутлар туфайли ўзбек таржимонларининг муаллиф тасвирларини ўзига хос синтактик тузилишда акс эттирганлиги ва синтактик услубий воситаларни худди аслиятдаги сатрларда эмас, балки ўзбек нутқи учун мақбул ўринларда келтирганликлари кўрсатилган. Масалан, «Ҳамлет» фожиасини ўгиришда М.Шайхзода 12 бўғинли бармоқ вазнини қўллаган. Аслиятдаги «*It faded on the crowing of the cock*» сатри М.Шайхзода таржимасида қуйидагича кўринишга эга «Ростдан, хўроз қичқиргач у хира бўлди». Воситали ўгирманинг сатри бошида (ростдан) каби парцелляциясининг қўлланилиши албатта, эмоционалликни оширган, аммо, бу сўз на аслиятда на рус таржимасида мавжуд. Бу ерда мутаржим сатр чўзиқлигини, яъни ортиқча икки бўғинни қўшиши ёрдамида қоплаган.

Қиёсланган таржималарнинг баъзиларида аслиятдаги паремиологик бирликларнинг сўзма-сўз таржима усули сифатида акс этирилганлигини кузатишимиз мумкин. Масалан: «*Be thou as chaste as ice, as pure as snow, thou shalt not escape calumny*» - «Қордек оқ, муздек мусаффо бўлсанг ҳам, тухматдан қочиб қутулолмайсан» (Ж.К.) ва «*Агар сен муздай тоза ва қордай покиза бўлсанг ҳам тухматлардан қутулолмайсан*» (М.Ш.) каби кўринишга эга. Ёки турли трансформациялар ёрдамида ижодий ёндашилганини кузатишимиз мумкин. Масалан: «*A man may fish with the worm that hath eat of a king, and eat of the fish that hath fed of that worm*» каби Шекспирнинг паремиологик бирлигини «Можно вытащить рыбу на червяка, пообедавшего королем, и пообедать рыбой, которая поглотила этого червяка» - конкретизация (Б.П.), «Қиролни еган курт билан балиқ тутдинг нима-ю, ёки куртни еган балиқни тутиб, тановул қилдинг нима...» - хиазм (Ж.К.), «Масалан, қирол этидан овқатланган курт билан бир балиқни қармоққа илинтириб олиб, ўша куртни еган балиқни еса бўлади» - Б.Пастернак таржимасидан калька (М.Ш.) усулидан фойдаланиб ўгирганлар. Ёки,

аслиятдаги «Brevity is the soul of wit» сўзини М.Лозинский калька, Б.Пастернак кўшиш (парцелляция), калька, М.Шайхзода ва Ж.Камол кўшиш (парцелляция), калька усулидан фойдаланиб ағдарганлар, ишда бу жадвалларда ўз аксини топган.

Фожидадаги аксарият насрий диалоглар комик эмоционалликка эга. М. Шайхзода ўз таржимасида воситачи матннинг синтактик қурилмасини маълум бир даражада ўзгартирган бўлса-да, лексик жиҳатларини асраб қолишга интилган. Ўзбек воситали таржимасида асар муаллифи ғояси тўғри ифодаланган бўлса-да, аммо, аслият руҳияти, унинг афористик ва юмористик хусусияти ғойиб бўлган. Агарда, мохир ўзбек мутаржими аслият билан таниш бўлганида, ўз таржимасида аслиятнинг мавжуд хусусиятларини қайта тиклашга муваффақ бўлишига ишончимиз комил.

Куйидаги жадвалда ҳам «Ҳамлет» трагедиясидан олинган паремиологик бирликнинг таржималарда қай даражада қайта тикланганлигини кўрамыз:

